

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил май ойининг 2 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи судья М.М.Гиясов, судья ёрдамчиси Ж.Ғуломовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Яшнобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Бобоқулов ва Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Ахмедова, судланувчи XXX ва унинг ҳимоячиси – “GUARENTEED LEGAL AID” адвокатлик бюроси адвокати Д.Пулатова, жабрланувчи XXX ва унинг ҳимоячиси – “LEX-BRIDGE” адвокатлик фирмаси адвокати Б.Миршариповнинг иштирокида, XXXга нисбатан №1-1010-2402/131-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXX), 19XX йил 23 февралда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 11.04.2014 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 19.11.2019 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 5 йил 11 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ойлик иш ҳақининг 10 фозини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 23.10.2020 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 75-моддасига асосан ўталмаган 5 йил 11 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 27.12.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган 2024 йил 19 февраль кундаги 27/62-48-732 сонли маълумотномасига кўра, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазоси 1 йил 11 ой 6 кунни ташкил қилади, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Х кўчаси, Х-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан



айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

XXX фирибгарлик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўп миқдорда қўлга киритиш мақсадида, 2021 йилнинг май ойи ўрталарида, тадбиркорлик ишларига моддий маблағ керак бўлганлиги сабабли ўзига аввалдан таниш бўлган XXXнинг ўзига тегишли бўлган, опасининг қизи, яъни жияни Билолова Комила Эркин қизининг номига расмийлаштирилган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқдарё кўчаси, 2-муюлишда жойлашган 13Б-рақамли хонадонини 32.000-35.000 АҚШ долларига сотишини ва сотувдан тушган пулларга бошқа хонадон сотиб олиш мақсадида юрганлигидан хабар топганидан сўнг, у билан ўрталарида бўлган суҳбатларни бирида ушбу хонадонини сотиш ишларини унга топширишини, мазкур хонадонини сотиб, сотувдан тушган пулларни тадбиркорлик ишларига ишлатишини, эвазига унга ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “VEKTOR AGRO KLASTER” МЧЖ иштирокидаги, таниши Қодиров Сохибжон Бахтиёрович томонидан ташкил этилган “XXX” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган, Тошкент вилояти, Охангарон шаҳар, Нуғойқўрғон м.ф.й мажмуасида жойлашган кўп қаватли турар жой биносидан уч хонали хонадон олиб беришни ваъда қилиб, XXXни ишонтириб, XXX аввалига унинг ушбу таклифига рози бўлмаганидан сўнг, XXXга хонадон олиб бериш юзасидан аввалдан у ва кўп қаватли турар жой биноси қурилиш ишларини олиб бораётган “XXX” МЧЖ ўртасида “Улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисида”ги шартномани расмийлаштиришни, шундай қилган тақдирда яқунда ушбу шартнома асосида “XXX” МЧЖ томонидан Тошкент вилояти, Охангарон шаҳрида қурилиш ишлари олиб борилаётган кўп қаватли турар жой биноси битганидан сўнг ҳеч бир қаршиликсиз уч хонали хонадон олиши мумкинлигини айтиб, XXX яқунда унинг таклифига рози бўлганидан сўнг, ташаббус кўрсатган ҳолда XXXнинг таклифига асосан 2021 йил 30 апрелда XXXнинг таниши XXX ва “XXX” МЧЖ ўртасида “Улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисида”ги шартномани расмийлаштиришга эришиб, ушбу шартнома бир нусхасини XXXга тақдим қилганидан сўнг батамом унинг ишончига тўлиқ кириб, танишлари орқали XXXга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқ-дарё кўчаси, 2-муюлишда жойлашган 13Б-рақамли хонадонни сотиш юзасидан Тошкент шаҳрида хонадон олиш ва сотиш ишлари билан шуғулланувчи шахсларга кўрсатмалар бериб, мазкур шахслар орқали хонадонни сотиб олувчи харидор топиб, харидор хонадонни 19.000 АҚШ долларига сотиб олишини маълум қилган вақтида, XXXга хонадонини харидорга 19.000 АҚШ долларига сотиб унинг номига расмийлаштириб бераверишини, хонадони арзон нархда сотилаётган бўлсада,



лекин унга келишувга кўра “ХХХ” МЧЖ томонидан Тошкент вилояти, Охангарон шаҳрида қурилиш ишлари олиб борилаётган кўп қаватли турар жой биносидан уч хонали хонадон олиб беришни, уни алдамаслигига ваъда бериб, ХХХ унинг берган ваъдасига асосан хонадонини харидорни номига нотариал идора орқали расмийлаштириб бериб, ундан хонадон учун 19.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олганидан сўнг, Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида жойлашган “ФАВВОРА” номли чойхонада 12.000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 31.05.2021 йил кундаги маълумотномасига асосан 1 АҚШ доллари 10.550 сўмни, 12.000 АҚШ доллари 126.600.00 сўмни ташкил қилади) миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб, берган ваъдасини бажармай, ХХХнинг ишончини суистеъмол қилиб пулларнинг ўзининг манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.

Судда судланувчи ХХХ, ўз айбига қисман иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ХХХдан 11.800 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олганлигини, ушбу пул маблағларини тадбиркорлик ишларида ишлатиш учун қарз сифатида олганлигини, ХХХдан олган ушбу пулларни тадбиркорлик ишларини олиб бораётган ХХХга берганлигини, ХХХ у берган ушбу 11.800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни нима қилганлигини билмаслигини, ХХХ унга ушбу пулларни бераётган вақтида, бу пулларни ўзини хонадонини 19.000 АҚШ долларига сотиб бераётганлигини айтганлигини, бу гапни ХХХдан эшитганлигини, жиноят иши ҳужжатларидаги “ХХХ” МЧЖ ва ХХХ ўртасида тузилган улушдорлик шартномаси уни ташаббуси билан қилинганлигини, сабаби ХХХ унга тадбиркорлик ишларида фойдаланишлиги учун 11.800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни келгусида қайтариб бера олмаган тақдирида ХХХга ушбу хонадонлардан уч хонали хонадон беришини маълум қилиб ушбу шартномани расмийлаштирганлигини, орадан вақт ўтиб Охангарон туманида хонадон қураётган ХХХ жиноят содир этганлиги сабабли қамалиб қолганлиги учун хонадонларни қуриб битказиш ишлари якунига етмай қолганлигини, шу сабабли ХХХга уч хонали хонадон қилиб бера олмаганлигини, ХХХ унга 11.800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бераётган вақтида ХХХни ундан бирор масалада қарзи бўлмаганлигини, ХХХни хонадони 19.000 АҚШ долларига сотилиш ишларига аралашмаганлигини ва ушбу хонадонни сотиб оладиган шахсларни топиш ва савдолашиш ишлари билан шуғулланувчи маклер шахсларни ушбу ишга жалб қилмаганлигини, ҳозирда етказилган зарарни қоплаб бера олмаслиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХ, ўз айбига қисман иқроп бўлиб, кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Судда жабрланувчи ХХХ, 2021 йилнинг апрель ойида ХХХни хонадонига кирган вақтида ХХХ Охангарон шаҳрида кўп қаватли хонадон қураётганлигини, ушбу қурилиш ишларида фойдаланишлик учун пул қидираётганлигини эшитиб қолгани, шу вақтда у ХХХга ушбу Охангарон шаҳрида қураётган кўп қаватли хонадонларидан унга ҳам беришини сўрагани, шунда ХХХ унга ушбу уйнинг хонадонидан бериш учун унга аввалига уйни



қурилиши давом эттиришлик учун пул кераклигини айтганида у унга ўзига тегишли бўлган, жияни, яъни опасини қизини номига расмийлаштирилган хонадони борлигини, ушбу хонадонини сотмоқчи бўлиб юрганлигини, хонадонини 32.000 АҚШ долларига сотмаганлигини, у унга таниш бўлганлиги сабабли унга хонадонини 32.000 АҚШ долларига баҳолаб беришини, у уни ушбу хонадонини сотиб, сотувдан тушган пулларни ушбу Охангарон шаҳрида қурилаётган уйни таъмирлаш ишларини давом эттиришини, эвазига унга ушбу Охангарон шаҳридаги қураётган хонадонлардан 3 хонали уйни беришини сўраганида, ХХХ уни бу таклифини эшитганидан сўнг бу таклифига рози бўлиб, ушбу хонадонини олишини ва хонадонини сотиб, сотувдан тушган пулларни Охангарон шаҳрида қурилаётган уйни қурилиш ишларида сарфлашини, ушбу уйни ярмини битирганидан сўнг унга банк томонидан пул ажратилишини, шунда ушбу ажратилган пуллардан унга 25.000 АҚШ доллари ва шу билан бирга Охангарон шаҳридаги уйлар битганидан сўнг унга уч хонали уй номига расмийлаштириб беришини айтганида у бунга рози бўлгани ва улар ушбу масала юзасидан оғзаки келишишгани, шу вақтда у ХХХга уни хонадонини сотиб оладиган шахс топишини, пулини келишини, хонадонни сотиб оладиган шахс нотариал идорага келиб хонадон учун пул берган тақдирда у нотариал идорага опасини қизини олиб келишини ва опасини қизи барча ҳужжатларга имзо чекиб беришини, хонадонни сотиб олган шахсдан хонадон учун пулларни олиб унга олиб келиб беришини ва у ушбу пулларни Охангарон шаҳридаги хонадонни қурилиш ишларида сарфлашини, лекин бунга қадар ишончли бўлиши учун унга Охангарон шаҳридан келажакда хонадон бериши юзасидан бирор ҳужжат беришини айтганида ХХХ бунга рози бўлиб, орадан бир неча кун ўтиб у, ХХХ, ХХХ ва уларни бир нечта умумий танишлари билан бирга Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги чойхонада ўтиришган вақтида у ва ХХХ ўрталаридаги хонадон олиш юзасидан масала кўтарилиб қолгани, шу вақтда ХХХ унга ХХХни кўрсатиб, ХХХ Охангарон шаҳрида қурилаётган хонадонларни қурилиш ишларини олиб бораётган МЧЖда директор эканлигини, ХХХ ва уни ишчилари бари уни назоратида эканлигини айтиб, ХХХга ўрталарида бир неча кун олдин бўлган суҳбатни, яъни у унга 32.000 АҚШ долларига тенг бўлган хонадонини беришини, у хонадонини ўзга шахсларга сотиб, сотувдан тушган пулларни ХХХ раҳбарлик қилиб келаётган “ХХХ” МЧЖга ўтказишини, ХХХ ушбу пуллар хисобига Охангарон шаҳридаги қурилаётган хонадонни қуриш ишларида ишлатишини, яқунда унга ушбу Охангарон шаҳридаги хонадон битганидан сўнг уч хонали уйни беришини, лекин бунга қадар улар унга хонадон бериш юзасидан бир ҳужжат расмийлаштириб беришлари кераклигини айтганида, ХХХ бу гапларни эшитиб бунга рози бўлгани ва унга келажакда хонадон бериши юзасидан уни МЧЖга улушдор софатида киритишини ва бу ҳақда икки томонлама шартнома қилиб беришини, хонадон битганидан сўнг у ушбу шартнома орқали Охангарон шаҳрида қурилаётган хонадондан уч хонали уйни олиши мумкинлигини айтганида у уни таклифига рози бўлиб, лекин у директорлик қилиб келаётган МЧЖ билан уни ўртасида улушдорлик шартномаси эмас балки МЧЖ билан уни



бир таниши ўртасида улушдорлик шартномаси тузилишини айтганида улар бунга рози бўлишгани, шундан сўнг у шу вақтни ўзида ўтирган чойхонаси олдида таниши ХХХни чақиргани, ХХХ чойхона олдида етиб келганидан сўнг унга бўлиб ўтган суҳбатларни айтиб бериб вазиятни тушунтиргани, шундан сўнг у ХХХга тегишли бўлган паспортни ХХХга берганидан сўнг ХХХ ХХХни паспортидаги маълумотларни ён дафтарида ёзиб олиб чойхонадан чиқиб кетгани ва орадан бир неча дақиқа ўтиб ХХХ директорлик қилиб келаётган МЧЖ ва ХХХ ўртасида тузилган икки томонлама улушдорлик шартномасини олиб келгани, ХХХ шартномага имзо чекиб берганидан сўнг ХХХ ушбу шартномани бир асл нусхасини унга тақдим қилгани, шу вақтда ХХХ ва ХХХлар унга 3-4 ойда хонадон битишини ва ушбу хонадондан унга бир дона уч хонали хонадон беришини айтгани, чойхонада барча масалалар хал бўлганидан сўнг улар ўз ишлари билан жўнаб кетдишгани, орадан бир неча кун ўтиб ХХХ унга қўнғироқ қилиб маклерлар хонадонини сотиб оладиган шахс топганлигини, ушбу шахс хонадонини кўриш учун келишини айтгани, орадан бир неча кун ўтиб ҳақиқатдан ҳам ХХХни “Ғайрат” исмли таниши ва маклер шахслар хонадонини сотиб оладиган шахсни хонадонига бошлаб келишгани, хонадонини сотиб оладиган шахс хонадонини кўздан кечириб чиққаётган вақтида маклер шахслар унга таниш бўлганлиги сабабли у улардан хонадонини сотиб олмоқчи бўлган шахс билан хонадон учун қанча пулга келишганликларини сўраганида маклер қизлар унга хонадонини ушбу келган шахсга 19.000 АҚШ долларига сотишмоқчи эканлигини, бу ҳақда уларга ХХХ рухсат берганлигини айтганида у дархол ХХХга қўнғироқ қилгани ва унга нима сабабдан хонадонни арзонга, яъни 19.000 АҚШ долларига сотаётганлигини сўраганида ХХХ унга ушбу ишларга аралашмаслигини, у билан у ўртада хонадон учун 32.000 АҚШ долларига келишув бўлганлигини, нима бўлган тақдирда ҳам унга Охангарон шаҳридан уч хонали хонадон беришини айтганида у унга бошқа гапирмагани, хонадонини сотиб оладиган шахсга хонадони маъқул бўлганидан сўнг хонадонни расмийлаштириш учун нотариал идорада кўришадиган кунини белгилашгани, ушбу кун келганидан сўнг у опаси “Карима” ва қизларини нотариал идорага олиб келгани, хонадонини сотиб олаётган шахс ҳам нотариал идорага келганидан сўнг у унга хонадон учун 19.000 АҚШ пулларни бергани, шундан сўнг опаси ва қизлари нотариал идорага кириб хонадонини сотиб олувчига тегишли тартибда номига расмийлаштириб беришгани, шундан сўнг у ХХХга қўнғироқ қилиб барча ишлар битганлигини, хонадонини сотиб олувчига нотариал тартибда номига расмийлаштириб берганлигини, у унга 19.000 АҚШ пулларни берганлигини, фақатгина ушбу пуллардан у ўзи учун 5.000 АҚШ пулларни олиб қолишини, ушбу пулларни ишлатадиган жойлари борлигини айтганида ХХХ бунга рози бўлгани ва маклер қизларга ҳам хизмати учун пул беришини сўраганида у бунга рози бўлиб маклер қизларга хизмати учун 800 АҚШ пулларни бергани, сўнг пуллардан яна 1.500 АҚШ пулларни миқдоридаги пулларни олиб опасига бергани яна қолган 16.700 АҚШ пуллардан 4.700 АҚШ пулларни ўзида олиб қолиб қолган 12.000 АҚШ



доллари пулларни ХХХга яна Яшнобод туманидаги Чойхонага олиб бориб бергани, чойхонада ХХХга ушбу 12.000 АҚШ доллари пулларни бераётган вақтида кимларга қанча пулларни берганлигини ва ўзига қанча пулларни олиб қолганлигини тушунтириб бергани, ХХХ ундан чойхонада 12.000 АҚШ доллари пулларни олганидан сўнг унга яна 3-4 ой ичида Охангарон шаҳрида қурилаётган хонадонлардан уч хоналисини таниши ХХХни номига расмийлаштириб беришини, бундан ташқари банкдан хонадон қурилиши учун пул ажратилган тақдирда унга яна 25.000 АҚШ долларидаги пулларни унга шунчаки, яъни унга пул топишда ёрдам берганлиги учун беришини айтгани ва у бунга рози бўлгани, шундан сўнг у билан ушбу ерда хайирлашгани, шундан сўнг орадан вақтлар ўтганидан сўнг у ХХХдан хонадон қурилиш ишлари қандай бўлаётганлигини суриштириб юргани, ХХХ унга хонадон қурилиш ишлари кетаётганлигини, тез кунларда хонадон битишини ва келишувга кўра у учун таниши ХХХни номига уч хонали хонадон расмийлаштириб беришини айтиб унга эрта индин деб алдаб юравергани, 2021 йил 5 октябрь куни унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан бўлган Миробод тумани ИИО ФМБ Тергов бўлимидаги жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан айбли деб топилиб, унга 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани, у ушбу жиноят иши юзасидан жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган бўлса-да лекин судья билан ўрталарида гап қочганлиги сабабли судья унга 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб юборганлиги, орадан бир йил ўтиб у озодликка чиққани ва 2022 йилнинг тахминан октябрь ойларида ХХХни хонадонига боргани ва унга вазиятни, яъни нимага қамалиб қолганлигини тушунтириб, унга Охангарон шаҳридаги хонадон олиб бериш масаласи ва унга бериши керак бўлган 25.000 АҚШ доллари пуллар нима бўлганлиги хақида сўраганида ХХХ бунга қадар ундан олган 12.000 АҚШ доллари пулларни таниши ХХХга берганлиги, ХХХ унга пулларни бермаганлигини айтиб келганлиги сабабли бу сафар ҳам олдида телефон аппаратини овоз чиқариш мосламасини баланд қилган холда ХХХга кўнғироқ қилгани ва унга у олдида келганлигини, ундан пулларини ва хонадонни сўраётганлигини айтганида ХХХ у уларни сухбатини эшитаётганлигини билмасдан ХХХни “ШЕФ” деб атаган холда, уни иккиси чиройли қилиб қаматиб юборганлигини, агарда рухсат берса уни яна қамокқа тиқтириб юборишини айтганлигини эшитиб қолгани, ушбу гапларни у эшитиб қолганлиги сабабли жахл устида ХХХга столда турган пиёлани улоқтиргани, у отган пиёла ХХХ чап бериб қолганлиги сабабли унга тегмагани, шунда у жахл билан ХХХга уларни ўйинини тушуниб етганлигини, энди улар билан бошқача гаплашишини айтиб хонадондан чиқиб кетгани ва бўлиб ўтган ҳолатлар юзасидан Яшнобод тумани ИИО ФМБга ариза билан мурожат қилгани, ҳозирда унга етказилган 11.800 АҚШ долларини ХХХдан ундириб, унга оғир жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ ХХХ, 2021 йилнинг апрель ойида ХХХ билан Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган чойхонага борганлигини, ушбу ерда ХХХ ХХХ ва ХХХлар билан уни таништирганлигини, шу куни улар чойхонада ниманидир



муҳокама қилишганлигини, у уларни суҳбатини эшитмаганлиги сабабли, суҳбат мавзуси нима бўлганлигини билмаслигини, сўнг ХХХ ундан паспортини унга беришини сўраганлигини, ХХХга паспортини берганлигини, орадан бироз муддат ўтиб ХХХ унга Тошкент вилояти Охангарон шаҳридан уч хонали хонадон олганлигини, хонадон хали қуриб битказилмаганлигини, қурилиш ишлари битганидан сўнг хонадонни олиши мумкинлигини айтганлигини, ХХХга хонадон қурилиш ишлари битмаганлиги сабабли унга хонадон керак эмаслигини, қурилиш ишлари битганидан сўнг хонадонни ўзи олаверишини айтганлигини, шу куни ХХХ унга ўзи ва “ХХХ” МЧЖ ўртасида улуш киритиш ҳақидаги шартномани тақдим қилиб ушбу шартномани “ХХХ” МЧЖдан хонадон олиш юзасидан тузилганлигини айтганлигини, ҳужжатли ишларга тушунмаганлиги сабабли шартнома мазмунига эътибор бермаганлигини, орадан кунлар ўтиб ХХХ ХХХга пул берганлигини ва унга берган пулларини қайтариб ололмаётганлигини эшитганлигини, сўнг ундан улуш киритиш ҳақидаги шартнома нусхасини унга тақдим қилишини сўраганлигини, орадан вақт ўтиб ХХХ ундан шартномани асл нусхасини ҳам олиб кетганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ ХХХ, 2021 йилнинг май ойларида унга ХХХ кўнғироқ қилиб бир танишини сотиладиган хонадони борлигини шу сабабли ушбу хонадонини тезроқ сотмоқчи эканлигини, ушбу хонадонни сотишга кўмаклашиб юборишни сўраганида у бу ҳақда таниши ХХХга маълум қилгани, сўнг ХХХ унга қайтиб кўнғироқ қилиб уларни умумий танишлари ХХХнинг бир таниши арзон нарҳдаги хонадон излаб юрганлигини, ушбу шахс хонадонни сотиб олиш юзасидан хонадонни кўздан кечирмоқчи эканлигини айтганида у бунга рози бўлгани ва хонадонни кўриш учун борадиган кунни ва манзилни белгилашгани, хонадонни кўриш учун борадиган кунлари ХХХни хонадони жойлашган кўча бошида у ХХХ, ХХХ ва хонадонни сотиб оладиган шахс билан учрашишгани, ушбу ердан бошлаб у ХХХ билан телефонда алоқада бўлиб туриб ХХХни кўрсатмалари билан ХХХни хонадони олдига боришгани, у ерда хонадон олдига ХХХ келганидан сўнг у уларга хонадони эшигини очиб бергани, шундан сўнг хонадонни сотиб оладиган шахс хонадонни кўриб чиққанидан сўнг хонадон унга маъқул бўлганлигини, ким билан савдо қилиш кераклигини сўраганида у бу ҳауда ХХХдан сўрагани, шунда Ч.Рахматуллаев унга хонадонни сотиб оладиган шахсни Яшнобод туманидаги “Фаввора” номли кафега олиб бориш кераклигини, ўша ерда хонадонни савдолашишларини айтишганида у мукаддам “Фаввора” кафесида овқатланганли ва ушбу ерни билганлиги сабабли хонадонни сотиб олаётган шахсни “Фаввора” кафесига бошлаб келгани, шундан сўнг кафега хонадон эгаси ХХХ келгани, кафедан бир неча унга таниш бўлмаган шахслар чиқишиб хонадонни сотиб олаётган шахс қаерда эканлигини сўрашгани ва уларга хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни кўрсатишгани, шундан сўнг кафедан чиққан шахслар хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни ичкарига олиб кириб кетишгани, улар ташқарида қолишгани, шу билан хонадонни сотаётган ва олаётган шахслар ўртасида нима ҳолат ва суҳбат бўлганлигидан хабари йўқлиги, орадан бир неча дақиқа ўтиб



XXX кафедан чиқиб келиб жакл устида машинасига ўтириб кафедан кетиб қолганлиги, ортидан хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахс ҳам келиб чиқиб у ҳам кафедан кетиб юборгани, шундан сўнг уларнинг ортидан бир шахс чиқиб келиб XXXга хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни ортга қайтаришини, хонадонни сотиш юзасидан ниманидир ким биландир келишиб олишганлигини айтганидан сўнг XXX хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни кафега ортга қайтариб чақириб бергани, хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахс ортга қайтиб келганидан сўнг уни яна кафега олиб кириб кетишгани, орадан бир неча дақиқа ўтиб кафега яна XXX қайтиб келгани ва у ҳам кафега кириб кетгани, шунда XXX миждозга хонадонини 19.000 АҚШ долларига сотишга рози бўлганлигини эшитган вақтида у XXXдан XXX нима сабабдан хонадонини бунча арзон нархда сотганлигини сўраганида XXX унга ушбу ердаги шахслардан бири Охангарон шаҳридаги янги қурилаётган уйлардан эвазига хонадон беришини айтганлиги сабабли XXX хонадонини сотишга рози бўлганлигини ушбу ердаги шахслардан эшитганлигини маълум қилгани, сўнг ушбу куни XXX миждоздан 1.000 АҚШ доллари пулларни заклад сифатида қабул қилиб олгани, XXX олган пуллари юзасидан миждозга тилхат ёзиб берганидан сўнг барча шахслар ушбу ердан тарқалиб кетишгани, шундан сўнг у танишлари XXX ва XXXлар билан бирга хонадонни расмийлаштириш учун ҳужжатларни тўплай бошлаганлиги, ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг XXX нотариал идорага келиб хонадонини миждознинг номига олди-сотди шартномаси билан расмийлаштириб берганлиги, барча ишлар хал бўлганидан сўнг XXX миждоздан хонадони учун пулларни олгани, лекин у миждоздан қанча пулларни олганлигини кўрмай қолгани, XXX пулларни олиб XXXни машинасига чиқариб уларни олдиларидан кетиб юборишгани, шунда у XXXга қўнғироқ қилиб нима бўлганлигини, XXX уларга хизмат хақи бериш ёки бермаслиги хақида сўраганида XXX “Фаввора” кафесига кетишаётганлигини, улар ҳам у ерга етиб боришларини айтганлиги ва у XXX билан “Фаввора” кафеси олдида боришгани, у ерга борган вақтида XXX билан XXXларни суҳбатлашиб турганлигини кўргани, уларни суҳбати чўзилиб кетганидан сўнг у XXXни олдида бориб уларга хизмат хақиларини беришини сўраганида у уни ҳақорат қилиб олдидан хайдаб юборгани, шунда XXX XXXга уларни хизмат хақиларини бериб юборишини айтганида XXXни гапи билан XXX уларга хизмат хақи учун 800 АҚШ доллари пулларни бериб юборганлиги, шундан сўнг улар пулларни олиб у ердан кетишганлиги, у “Фаввора” кафесига борган вақтида у ерда XXX ва XXXларни бир бири билан суҳбатлашиб турганлигини кўрганлиги хақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ XXX, 2021 йилнинг май ойларида унга XXX танишим қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳар Яшнобод туманида бир арзон нархдаги ховли борлигини, шунга ушбу ховлини сотиб оладиган шахс топиш кераклигини айтганида у XXXдан арзон деб айтаётган ховли қанча нархда эканлигини сўраганида, XXX унга ховлини нархи 25.000 АҚШ доллари эканлигини маълум қилгани, худди шу вақтда уни “Клара” исмли танишини таниши ҳам арзон нархдаги хонадон излаб юрганлиги сабабли у бу ҳақда “Клара”га маълум қилгани, шунда “Клара” унга ушбу таклифни танишига айтиб унга кейин



алоқага чиқишини маълум қилгани, сўнг орадан бир неча соат ўтиб “Клара” унга алоқага чиқиб таниши билан суҳбатлашганлигини, таниши хонадонни сотиб олишга рози бўлганлигини, аввалига хонадонни бориб кўриши кераклигини айтаётганлигини маълум қилгани, шундан сўнг хонадонни сотиб оладиган шахс билан хонадонни кўриш учун борадиган кунлари, ХХХ танишимиз билан кўчада учрашиб олиб ХХХ 25.000 АҚШ доллариға сотилади деб айтаётган хонадон томонга қараб йўл олишгани, шу куни ХХХ билан бирга ХХХ хам келганлиги, шундан сўнг ХХХ ва ХХХ уларни Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Оқ-дарё кўчаси 2-муюлиш 13б-хонадонга бошлаб боришгани, улар хонадонга борганидан сўнг хонадон эгаси ХХХ хонадон олдиға келгани ва узларға хонадонға киришға рухсат берганидан сўнг улар хонадонни айланиб чиқишгани, хонадонни кўришганидан сўнг мижозға хонадон маъкул бўлгани, сўнг ХХХ ўз иши билан жўнаб кетгани, шундан сўнг ХХХ танишини таклифи билан барчалари Яшнобод туманидаги “Фаввора” номли кафеға боришгани, улар ушбу ерга борганидан сўнг ХХХ ва ХХХлар хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахс билан кафеда бўлган унга таниш бўлмаган “Ғайрат” исмли шахс билан учраштиришгани, шунда “Ғайрат” ва хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахслар ХХХни хонадонини нархлаша бошлашгани, улар бу вақтда уларни олдида бўлиб бу холатларға гувоҳ бўлиб туришгани, аввалига “Ғайрат” исмли шахс билан хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахс хонадонни 25.000 АҚШ доллариға сотиш юзасидан келиша олишмаганидан сўнг мижоз хонадонни 25.000 АҚШ доллариға сотиб олмаслигини айтиб жўнаб кетгани, шундан сўнг кафеда бўлган уларға аввалдан таниш бўлмаган, асл исм шарифи унга кейинчалик маълум бўлган ХХХ ўзаро “Ғайрат” билан нималарнидир суҳбатлашиб олишганидан сўнг “Ғайрат” уларға қайта мурожаат қилиб хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни ортға қайтаришларини сўраганида улар бунга рози бўлиб ушбу куни хонадонни сотиб олмоқчи бўлган шахсни “Ғайрат” исмли шахсни таклифи билан ортға қайтаришгани, мижоз ортға қайтиб келганидан сўнг ХХХ ва “Ғайрат” мижозни кафе ичига олиб кириб кетишиб ўзлари нималарнидир суҳбатлашишгани, шундан сўнг улар турган ерга хонадон эгаси ХХХ келгани, сўнг ХХХ, ХХХ, “Ғайрат” исмли йигит ва мижоз ташқарига чиқиб келишгани, шунда мижоз ХХХни хонадонини 19.000 АҚШ доллариға сотиб олиш юзасидан келишганлигини билгани, ХХХ хонадони 19.000 АҚШ доллариға сотилаётганлигини билганидан сўнг аввалига хонадонини 19.000 АҚШ доллариға сотмаслигини, мижоз жуда арзон нархда хонадонини сотиб олаётганлигини айтганида бу вақтда уларни олдиларида турган ХХХ ХХХға “Хонадонни неча пулга сотишимиз сенга нима, сенга Охангарон шаҳридаги новостройкадан уй бераётган бўлсак” деган гапни гапирганлиги, шу вақтда ХХХ билан ХХХ ушбу ерда тортишиб қолишгани ва ХХХ уларни олдиларидан жахл устида кетиб қолгани, шундан сўнг ХХХ ва “Ғайрат”лар мижоз билан кафени ичига кириб кетишгани ва орадан бир неча дақиқа ўтиб ХХХ уларни олдилариға чиқиб уларни олдида ХХХни чақириб хонадонни 19.000 АҚШ доллариға сотганлигини, хонадон учун мижоз бераётган дастлабки тўловни олиб кетишини айтганида бир неча дақиқадан



сўнг улар турган ерга ХХХ етиб келгани, шундан сўнг мижоз хонадон учун 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни заклад сифатида ХХХга бергани ва ХХХ ундан ушбу пулларни олиб мижозга пулларни олганлиги юзасидан тилхат ёзиб бергани, сўнг мижоз улар турган ердан жўнаб кетгани, барча масала хал бўлганидан сўнг хонадонни мижозни номига ўтказиб бериш юзасидан ҳужжатлар тўплай бошлашгани, барча ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг ХХХ нотариал идорада мижозга хонадонини олди-сотди шартномаси орқали номига ўтказиб бергани, сўнг мижоз ХХХга хонадон учун 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бергани, хонадонни мижозни номига ўтказиш ишларида ХХХни опаси хам анча муаммолар қилгани ва ХХХ опасига 1.500 АҚШ доллари пулларни бериб опаларини аранг кўндирганлиги, ХХХ мижоздан 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олганидан сўнг 800 АҚШ долларини “Клара” исмли таниши орқали уларга хизмат хақи сифатида берганлиги, нотариал идорада ХХХ мижоздан хонадон учун 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олганидан сўнг улар қайтиб “Фаввора” кафесига боришгани у ерда ХХХ ХХХ билан учрашишлик учун кафе ичига кириб кетгани ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ ХХХ, 2021 йилнинг май ойларида унга ХХХ кўнғироқ қилиб, бир таниши Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган ховлини 25.000 АҚШ долларига сотиши кераклигини айтганлигини, яна бир ўзга таниши арзон нархдаги хонадон сотиб олишини айтиб юрганлиги сабабли ХХХга ушбу таниши билан суҳбатлашиб кўриб жавобини айтишини маълум қилганлигини, сўнг яқин кунларда арзон хонадон сотиб олиш мақсадида юрган “Бобур” исмли танишига бу ҳақда айтганида таниши хонадонни бориб кўриши кераклигини, агарда унга хонадон маъкул бўладиган бўлса хонадонни сотиб олиш юзасидан келишини айтганлигини, сўнг “Бобур” исмли танишини гапларини ХХХга етказганлигини, “Бобур” исмли танишига хонадонни кўрсатиш кунини белгилашганликларини, учрашув куни яна ХХХ билан 25.000 АҚШ долларига сотилаётган хонадонни кўриш учун хонадонга борганликларини, ушбу куни ХХХ билан унинг ХХХ хам келган бўлганлигини, сўнг ХХХ ва ХХХ уларни Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқ-дарё кўчаси 2-муъолиш, 13б-хонадон олдига бошлаб боришганлигини, хонадон эгаси ХХХ хонадони олдига келиб, хонадони эшигини очиб берганидан сўнг кўздан кечириш мақсадида хонадонга киришганлигини, “Бобур” хонадонни кўрганидан сўнг хонадон унга маъкул бўлганлигини, сўнг ХХХ ўз иши билан жўнаб кетганлигини, сўнг ХХХ таклифи билан барчалиги Яшнобод туманидаги “Фаввора” номли кафега боришганлигини, кафедра ХХХ ва ХХХлар “Бобур”ни кафедра бўлган “Ғайрат” исмли шахс билан учраштиришганлигини, сўнг “Бобур” ва “Ғайрат” ХХХни хонадонини нархлай бошлашганлигини, бу вақтда улар бу ҳолатга гувоҳ бўлиб турганлигини, “Ғайрат” мижозга хонадонни 25.000 АҚШ долларига сотишини айтганида мижоз бу нархга хонадонни сотиб олмаслигини айтиб кетиб қолганлигини, сўнг “Ғайрат” ушбу ерда ХХХ билан ўзаро суҳбатлашиб олганидан сўнг “Ғайрат” уларга мижозни ортга қайтаришларини сўраганлигини ва “Ғайрат”ни таклифи билан мижозни ортга қайтаришганлигини, мижоз



қайтиб келганидан сўнг “Ғайрат” ва ХХХлар мижозни кафе ичига олиб кириб кетишганлигини ва у ерда ўзаро суҳбатлашишганлигини, сўнг ушбу ерга ХХХ келганлигини, ХХХ кафега келганидан сўнг ХХХ билан “Ғайрат” ХХХни хонадонини мижозга 19.000 АҚШ долларига сотиш юзасидан келишганлигини билганлигини, шунда ХХХ хонадонини 19.000 АҚШ долларига арзон нархда сотмаслигини айтганида ХХХ ХХХга “хонадонни неча пулга сотишимиз сенга нима, сенга Охангарон шаҳридаги новостройкадан уй бераётган бўлсак” деб гапирганлигини, ХХХ ушбу гапларни айтишидан олдин маклер шахсларга ушбу ерда турган ХХХни кўрсатиб, ХХХ Тошкент вилояти Охангарон шаҳрида янги кўп қаватли уйлар кураётганлигини, ушбу уйлар битиши билан хонадонни уларга сотишга кўмаклашиб юборишларини айтганлигини, ушбу ерда ХХХ билан ХХХ тортишиб қолганлигини ва ХХХ ушбу ердан кетиб қолганлигини, сўнг “Ғайрат” ва ХХХлар мижозни кафе ичига олиб кириб кетишганлигини ва орадан бир неча дақиқа ўтиб ХХХ уларни олдига чиқиб келиб ХХХни хонадонини мижозга 19.000 АҚШ долларига сотиш юзасидан келишганлигини, шу сабабли мижоздан хонадон учун дастлабки пулларни олиб кетиш учун уни олдига ХХХни чақириб беришларини сўраганлигини, орадан бир неча дақиқа ўтиб ХХХ кафега қайтиб келганлигини, сўнг мижоз ХХХга хонадон учун олдиндан тўлов сифатида 1.000 АҚШ доллари пулларни берганлигини ва ХХХ ундан пулларни олиб пулларни олганлиги юзасидан унга тилхат ёзиб берганлигини, сўнг мижоз жўнаб кетганлигини, барча масала хал бўлганидан сўнг хонадонни сотиш юзасидан хужжатлар тўплай бошлаганликларини, хужжатлар тайёр бўлганидан сўнг ХХХ мижозга хонадонини олди-сотди шартномаси орқали номига расмийлаштириб берганлигини, сўнг мижоз ХХХга хонадон учун 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берганлигини, нотариал идорада ХХХни опаси анча муаммолар қилганлиги сабабли ХХХ опасига 1.500 АҚШ доллари пулларни бериб опасини тинчлантирганлигини, нотариал идорада барча масала хал бўлганидан сўнг ХХХ қайтиб “Фаввора” кафесига борганлигини ва у ерда ХХХ билан учрашиб кафе ичига кириб кетганлигини, кафедан чиққанидан сўнг уларга хизмат хақи учун 800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ ХХХ, унга олдиндан таниш бўлган “Ғайрат” исмли кўшниси тахминан 2021 йилнинг баҳор фаслида унга мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги, Оқ-уйда бир ховли жой борлигини, ушбу ховли жойни зудлик билан сотиб бериш зарур деганлиги, агарда ушбу ховлини сотиб берса, ховлидан сотилган пуллардан ўзига ҳам пул ишлаб олиши мумкинлигини айтганлиги сабабли, унинг ўзи уй-жой сотиш билан шуғулланмаганлиги сабабли, унга тахминан 10 йилдан буён таниш бўлган ХХХга мурожаат қилиб, унга юқоридаги уй ҳақида айтиб, ушбу уйни сотиш зарурлигини айтганида у унинг ушбу таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг ХХХ ҳам айнан кимга берганлигини билмаслиги, бироқ кейинчалик эшитишича, ХХХ ва ХХХларга ушбу уй ҳақида айтганлигидан хабар топганлиги, шундан сўнг у ушбу уй сотилган-сотилмаганлигини ХХХдан сўраб турганлиги, орадан бир неча кун вақт ўтгач, ХХХ унга кўнғироқ қилиб, эртага уй сотилишини маълум



қилганлиги, шундан сўнг эртаси куни у ХХХ билан биргаликда, уй эгаси харидорга ушбу уйни расмийлаштириб бериши керак бўлган Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги нотариусга боришгани, нотариусда улар уй эгаси, унга кейинчалик исм-шарифи таниш бўлган ХХХнинг опаси билан учрашиб қолишгани, шунда опаси унга мурожаат қилиб, ХХХ хали уйсиз қолиб кетмаса бўлди, бекор сотмоқчи эканлигини айтиб турган вақтида, ХХХ харидордан пулларни олиб, ХХХни ўзининг автомашинасига ўтказиб биргаликда кетиб қолишгани, шундан сўнг уларнинг орқасидан кузатиб борганида, йўлда уларни йўқотиб қўйишгани, шундан сўнг “Ғайрат”га қўнғироқ қилиб, ХХХ бориши мумкин бўлган жойни сўраганида, у уларга Яшнобод туманидаги чойхоналардан бирида бўлиши мумкинлигини айтганидан сўнг, улар ўша чойхонага бориб, ХХХни кутиб туришгани, орадан бир неча дақиқа вақт ўтганидан сўнг, ХХХ ХХХ билан биргаликда етиб келгач, ХХХ автомашинадан тушиб, ХХХнинг олдига қараб ҳаракатланиб кетгани, шу вақтда у автомашинада ўтириб, уни кутиб ўтирганлиги, ХХХ хар-хил хатти-ҳаракатлар билан ХХХга бир нарсаларни тушунтираётганлигини кўрганлиги, шундан сўнг ХХХ ХХХга 400 АҚШ долларини берганидан сўнг у унинг автомашинасига қайтиб келиб ўтиргани, шундан у унга 200 АҚШ доллари пулларини берганлиги хақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ ХХХ, у ХХХдан 11.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни 2021 йилнинг июль ойларида ХХХнинг хонадонидан олиб кетгани, у бир неча йилдан бери Ўзбекистон Республикасидан турли хилдаги полиз ва мева маҳсулотларини йиғиб олиб уларни Россия Федерациясига жўнатиш ва у ердан олиб келиш билан ишлаб юрганлиги сабабли, ушбу ишларига пул керак бўлиб қолганлиги учун ва унга ХХХ анча йилдан бери таниш бўлиб, у Россия Федерациясига қовун жўнатмоқчи бўлган вақтида унга пул керак бўлиб қолгани, шундан сўнг ХХХга пул сўраб мурожаат қилгани ва ХХХ унга тадбиркорлик ишларида ишлатишлик учун хонадонида 11.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бергани, у авваллари ХХХдан бир неча маротаба тадбиркорлик ишларида фойдаланишлик учун пул олиб, олган пулларини вақтида қайтариб берганлиги сабабли 11.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олган вақтида ХХХ унга пулларни қайтариш муддатини белгиламагани, шу билан бирга у ХХХдан олган пулларига фоиз хисобида бирор маротаба пул бермагани, шунчаки ХХХ унга ака сифатида тадбиркорлик ишларига моддий томондан ёрдам бериб турганлиги, ХХХдан ушбу 11.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни тадбиркорлик ишларида ишлатишлик учун олаётган вақтида ХХХ ушбу пулларни ХХХдан олганлигини айтмагани ва аввалига ушбу ҳолатлардан уни хабари бўлмаганлиги, орадан бир неча кунлар ўтиб ХХХ унга қўнғироқ қилиб ХХХ пулдан қийналиб қолганлигини, шу сабабли унга моддий томондан ёрдам қилиб 500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бериб юборишини айтганида у бунга рози бўлиб, ХХХ билан кўчада учрашиб унга 500 АҚШ доллари пулларни берган вақтида ХХХ бунга эътироз қилиб, ХХХ ва у унга хар ойда 5.000 АҚШ долларидан пул тўлаб боришларини айтганида у унга ХХХ билан ўртасида қандай масала бўлганлигини



билмаслигини ва 11.000 АҚШ долларини ҳам ундан эмас балки ХХХдан олганлигини, ушбу пулларни олаётган вақтида бирор шахсга хар ойда 5.000 АҚШ долларидан пулларни тўлаб бориш юзасидан ваъда бермаганлигини маълум қилиб, бўлиб ўтган ҳолатлар ҳақида ХХХга хабар берган вақтида, ХХХ ундан ушбу гапларни эшитиб ХХХ билан ўзи гаплашиб олишини маълум қилгани, ХХХ ХХХдан 11.800 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни айнан нима сабабдан олганлигини билмаслиги, улар ўртасида пул олди-берди ҳолати бўлаётган вақтида у уларни олдида бўлмагани, кейинчалик ҳам гапларни мазмунидан бўлиб ўтаётган ҳолатларни тагига ета олмай қолгани, ХХХ унга бирор маротаба хонадонини сотганидан сўнг сотувдан тушган пулларни ХХХга берганлигини ва ХХХ ундан олган пулларни унга берганлиги ҳақида умуман гапирмагани, ХХХдан ХХХга тегишли бўлган 11.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олганидан сўнг ХХХнинг гапи билан ХХХга бир маротаба 500 АҚШ доллари, бир маротаба 800 АҚШ доллари ва охириги маротаба 200 АҚШ доллари, жами 1.500 АҚШ доллари пулларни бергани ҳақида кўрсатув берди.

Судда томонларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гумон қилинувчи ХХХ қуйидагиларни, 2021 йилнинг май ойида унга тегишли бўлган “ХХХ” МЧЖ томонидан Охангаронда қурилиш объектлари олиниб, қурилиш ишлари бошланганлигини, ХХХни 3-4 йилдан бери танишлигини, бир куни ХХХни хонадонига борган вақтида ХХХ таниши ХХХга ушбу қурилиш ишлари бошланган объектдан хонадон бериш имкони бўлса беришини айтганлигини, ХХХ билан суҳбатлашган вақтида ХХХ ўзига тегишли бўлган хонадонни сотишини ва сотувдан тушган пулларга у томонидан қуриладиган Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги кўп қаватли турар жой биносидан хонадон сотиб олиш учун унинг ҳисоб рақамига ўтказишини айтганлигини, сўнг ХХХ ўзи билан ХХХни олиб келиб, хонадонни ХХХни номига расмийлаштириб олишини айтганлигини, 2021 йилнинг 30 апрель куни ўзи раҳбарлик қилиб келаётган МЧЖ ва ХХХ ўртасида улуш киритиш асосидаги шартномани расмийлаштиришганлигини, эртаси куни ХХХ хонадонини 22.000 АҚШ долларига сотиб, ушбу уйнинг пулидан 17.000 АҚШ доллари миқдоридagисини унга бериб, қолган пулларни ўзининг қарзларига ишлатишини айтганлигини, аммо эртаси куни унга бериши керак бўлган пулларни ХХХга берганлигини айтганлигини, ХХХ унга хонадон учун пулларни ўтказмаганлиги сабабли хонадон олиш юзасидан МЧЖ ва ХХХ ўртасида тузилган шартномани бекор қилганлигини ХХХга айтганлигини, кейинчалик ХХХ хонадони сотувидан тушган пулларни кўпайтириб беришлик учун ХХХга берганлигини, ХХХ бўлса ундан олган пулларни таниши ХХХга берганлигини, ХХХ ХХХдан олган ХХХга тегишли бўлган пулларга маҳсулот сотиб олиб, маҳсулотларни Россия Федерациясига жўнатганлигидан хабар топганлигини, сўнг ХХХ қамалиб қолганлигини, 2022 йилнинг июнь ойида банкдан кредит чиқара олмаганлиги сабабли Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги қурилиш ишлари олиб бориладиган объектдан чиқиб кетганлигини кўрсатиб ўтган.



Судланувчи ХХХнинг айби, жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан яъни, жабрланувчи ХХХнинг аризаси билдирги, тушунтириш хатлари, улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома, гувоҳларни сўроқ қилиш, юзлаштириш баённомалари, ашъвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор ва бошқа асослангандирилган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи ХХХнинг жиноий қилмишлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароити ва аҳволини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Суд, судланувчи ХХХ мазкур жиноятни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазонинг оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Суд, судланувчи ХХХга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, шу билан бирга одиллик ва инсонпарварлик принципларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони қўлламасликни ва ушбу модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб мазкур жиноий ҳаракатларни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 27.12.2022 йилдаги ҳукми эълон қилингунга қадар содир этганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд дастлабки тергов даврида ХХХга етказилган зарардан 200 АҚШ доллари қопланганлигини инобатга олиб, судланувчи ХХХдан жабрланувчи ХХХ фойдасига 11.800 АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 02.05.2024 йилда белгиланган курс 12.632 сўм 22 тийин) = 149.060.169 (бир юз қирик тўққиз миллион олтмиш минг бир юз олтмиш тўққиз) сўм ундиришни лозим деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларига риоя қилиб, жиноят иши юзасидан ашъвий далил деб эътироф этилган улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома нусхаси жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилган ҳолда, суд



ХУКМ ҚИЛДИ:

XXX), Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ҳолда 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан XXXга узил-кесил 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 2 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи XXXга нисбатан танланган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол суд мажлиси залида қамокқа олинсин ва Тошкент шаҳар ИИББ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси орқали Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 1-минтақавий ҳудуд 23-сон маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонасига жойлаштирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи XXXдан жабрланувчи XXX фойдасига 149.060.169 (бир юз қириқ тўққиз миллион олтмиш минг бир юз олтмиш тўққиз) сўм миқдорида моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома нусхаси жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин, ҳукм қонуний кучга киргач мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.М.Гиясов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри;

(имзо)

М.М.Гиясов

